

Тошкент шаҳар ҳоқими иситиш мавсумини бошлаш тўғрисидаги қарорга имзо чекди



Тошкент шаҳар ҳоқимининг 2017 йилнинг 7 ноябрда имзоланган "Тошкент шаҳрида 2017-2018 йилги иситиш мавсумига тайёргарлик кўриш ва иссиқлик энергияси билан таъминлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ 10 ноябрдан бошлаб ижтимоий соҳа объектларида, 12 ноябрдан турар-жой биноларида мунтазам иситишга киришилади. Бу ҳақда Тошкент шаҳар ҳоқимлигининг [расмий сайти](#) хабар берди.

Ушбу қарорга кўра, "TOSHKENT ISSIQLIK ELEKTR MARKAZI" АЖ, "Toshkent issiqlik markazi" ДУК, "Тошиссиққуввати" ДУКга марказлашган иссиқлик тизимининг барча қисмларини текшириш имкониятини таъминлаш учун 2017 йил 9 ноябрдан Тошкент шаҳар иссиқлик манбаларидан иссиқлик муҳитининг айланма ҳаракатини ишга тушириш вазифаси топширилди.

Шунингдек, "TOSHKENT ISSIQLIK ELEKTR MARKAZI" АЖ, "Toshkent issiqlik markazi" ДУК, "Тошиссиққуввати" ДУКга Тошкент шаҳрида 2017-2018 йилги иситиш мавсуми даврида узлуксиз табиий газ, сув таъминоти ва электр энергиясини етказиб бериш чоратadbирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси юклатилди.

Тошкент шаҳар Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмасига кўп квартирали уйларда иссиқлик таъминоти тизимининг барқарор ишлаши учун мутасадди ходимлар ва аҳоли томонидан қоидаларнинг бузилишига йўл қўймасликни назорат қилиш вазифаси юклатилган.